

Президент ташрифидан кейинги ўйлар

"Асосий мақсад-муддаомиз – одамларни рози қилиш...". 4-5-саҳифалар ▶



"Ҳар бир ёшга 50 сотих" лойиҳаси доирасида

20 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди 9-саҳифа ▶

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 2-iyul, payshanba 28-29 (9065-9066)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



ЕРНИ БОҚСАНГ, ЕР СЕНИ БОҚАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси

Амударё тумани "Тўлқин" овул фуқаролар йиғинида томорқасидан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад олаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Улардан бири Азимжон Мухторовдир.

Асли касби ўқитувчи бўлган А. Мухторовни овул аҳли хурмат қилади. Азимжон ака овулдаги 33-сонли умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан дарс бериб келади. Ишдан бўш пайтида томорқасида меҳнат қилади.

– Икки йил олдин 2,5 сотих ерда иссиқхона ташкил қилгандик. Ҳозир

томорқамизда бодринг ғарқ пишган. Шунингдек, қовун ва помидор ҳам пишиб етилган. Рўзгоримиз бутлиги, дастурхонимиз тўкинлиги мана шу томорқамиздаги барака билан боғлиқ, – дейди Азимжон ака мамнунлик билан.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

|| МУНОСАБАТ

**БИЗ ҚАЧОНДАН
БУЁН ОИЛА
СИРЛАРИНИ
ҲАММАГА
ДАСТУРХОН
ҚИЛАДИГАН
"ХАЛҚ"ҚА АЙЛАНА
ҚОЛДИК?**

8-саҳифада ўқинг! ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИБЎШ ТУРГАН ОБЪЕКТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмагандан турган нотурар объектлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик):

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги "Давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат унитар корхоналари негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларини (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) ташкил этиш;

Агентлик тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари – Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази директори (кейинги ўринларда – Марказ директори) лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйдагилар Марказнинг асосий вазифалари эити белгилансин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини (кейинги ўринларда – бўш турган объектлар) аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш;

ижарага берилган давлат мулки объектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;

ижарага берилган давлат мулки объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

давлат муассасалари (корхоналари)га бириктирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;

давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортқича қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳуласига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига қўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

Марказ давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида барча давлат органларидан, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраб олишга ҳақли.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйдагилар:

Марказнинг бошқарув ходимлари чекланган сони

309 нафар, шу жумладан, марказий аппарат бошқарув ходимлари сони – 22 нафар этиб;

Агентликнинг Бўш турган давлат объектларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси тугатилиб, унинг 8 та штат бирлиги Марказга ўтказилиши;

Марказнинг марказий аппарати моддий-техник таъминоти ва 9 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилиши;

ҳудудий бошқармаларнинг 287 нафар бошқарув ходими штат бирлигини, шунингдек, марказий аппаратнинг 13 нафар бошқарув ходими штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

Белгилансинки, Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимларига, тўлов манбаларидан қатъи назар, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Марказ директориغا Агентлик директори билан келишилган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларга бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйдагилар Марказ ва ҳудудий бошқармалар фаолиятини (ҳодимларнинг иш ҳақи, мукофотлар, устамалар ва бошқа тўловлар) молиялаштириш манбалари эити белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

давлат мулки объектлари ижарасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тушадиган маблағлар;

Агентликнинг ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Марказ Агентликнинг тугатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги "Давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат унитар корхоналарининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномавий муносабатлар бўйича ҳуқуқий вориши ҳисобланади;

бўш турган объектлар тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан автоматлаштирилган тизим орқали тегишли давлат органларидан олинади;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар ходимлари ўз ваколатлари доирасида бўш турган объектларга тўсқинликсиз киради ва кўздан кечиради. Бунда, хусусий мулк объектларига кириш ва уларни кўздан кечириш Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органини хабардор этиш тартибда амалга оширилади;

Марказ ва ҳудудий бошқармаларга тегишли давлат мулки объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказ ҳисобидан, пул маблағлари мавжуд бўлмаганда Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

Марказ бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича қўриалаётган чоралар тўғрисида ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради;

бўш турган объектлар тўғрисида маълумотлар (объект тўғрисидаги қисқа маълумот, геолокация жой-

лашуви ва бошқалар) Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва ҳар ойда янгиланган бўлилади;

белгиланган тартибда тузилган фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш бўйича ишчи гуруҳлар ҳудудий бошқармаларга ҳафталик ахборот киритиб боради;

ҳудудий бошқармалар ходимлари туман (шаҳар) ларнинг ҳар бир маҳалласига бириктирилади ҳамда ваколати доирасида маҳалла ҳудудидан жойлашган бўш турган объектларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этади;

бўш турган давлат мулки объектлари, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида Марказ ва ҳудудий бошқармаларга топширилади;

бўш турган объектлар рўйхати Марказ томонидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига киритиб борилади;

Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) барча аукцион савдолари натижалари QR-код (матрих штрихли код)ни қўллаш орқали расмийлаштирилади;

б) "E-IJRO AUKSION" тизимида қуйдагиларни назарда тутувчи тартиб жорий қилинади:

"мобиль идентификация қилиш" билан шахсни идентификациялаш имконини берувчи мобиль иловалар орқали аукционда иштирок этиш;

давлат мулки объектларини ижарага бериш шартномасини ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) икки томонлама тузиш орқали расмийлаштириш;

савдоларда мавжуд бўлган лотлар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи доимий янгиланиб турадиган ва Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган электрон каталогни яратиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси доимий равишда бўш турган объектларни аниқлаб, уларни Марказ ва ҳудудий бошқармаларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиб бориш чораларини кўрсин.

8. Агентлик бир ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

Марказ ва ҳудудий бошқармаларни замонавий техника билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар зиммасига юклатилган вазифалар юзасидан судларга киритиладиган дъволар ва аризалар бўйича давлат бож тўлашдан озод қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бинолардан фойдаланиш дирекцияси давлат унитар корхонаси негизда давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш дирекциясини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарор ижросини таъминлаш доирасида Марказнинг харажатлари учун 2020 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб зарур биджет маблағларини кўзда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Марказга хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 3 та, шу жумладан, 2 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мувожаотида асосан уни ўрнатилган тартибда ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 1 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

**АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Сўнги йилларда республикада деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, “Томорқа хизмати” МЧЖ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳоли томорқаларини хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун “Томорқа хизмати” МЧЖларга иссиқхона, совутичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони ажратиш;

“Томорқа хизмати” МЧЖлар кузатув кенгашлари таркибига, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси **ЎЗБО** бўлиб киришлари;

аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш учун вилоятлар ва туман (шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида “Томорқа хизмати” МЧЖлар учун **маҳсус савдо майдонларини ажратиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

1-иловада келтирилган кластер усулида фаолият юритадиган “Томорқа хизмати” МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратсин;

аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун **20-30 тонналик кичик ҳажмли совутичлар барпо этиш учун кредит** ажратсин;

тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида **2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасисиз On-line** тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизмининг жорий этсин.

3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

2023 йил 1 январга қадар “Томорқа хизмати” МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг **50 фоизгача, бироқ 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафилиги** берилиши белгилансин;

фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, ажратиладиган **кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қўллаб бериш** тизими жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида камида 30 та аҳоли томорқаларини сўғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш харажатларининг **70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган** қисмини қоплашга субсидия ажратсин.

5. **2022 йил 1 январга қадар 2-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божининг** (божхона расмийлаштируви учун тўлов ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ноль ставкалари белгилансин.

6. “Ўзбекчорванасл” агентлиги бир ой муддатда цистернада автоматлашган сут ҳажмини ўлчаш ва тозалаш механизмга эга сут маҳсулотлари йиғиш машиналари ҳамда мотокультиваторларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда “Ўзавтосаноат” АЖга техник вазифани киритсин.

“Ўзавтосаноат” АЖ “Ўзбекчорванасл” агентлигининг техник вазифаси асосида, бир ой муддатда цистернада автоматлашган сут ҳажмини ўлчаш ва тозалаш механизмга эга **сут маҳсулотлари йиғиш машиналари ҳамда мотокультиваторларни маҳаллийлаштириш** бўйича аниқ чораларни кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар **сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазиладиган қудуқларнинг манзилли дастурини** шакллантиради ва тасдиқлайди;

лойиҳа ташаббускорларига белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга асосан ажратиладиган

субсидиялар 2020-2021 йилларда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ҳамда 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: бир ой муддатда тупроқ-иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларининг уруғ ва кўчатларини ҳудудлар кесимида экиш, етиштириш ва сифатли маҳсулот олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши ва жойларга етказилишини;

2021 йил 1 январга қадар Фарғона вилоятида “Томорқа хизмати” МЧЖ таклифлари асосида Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари ҳузуридаги “Ахборот-маслаҳат марказ”лари (Extension center) ҳамда “In-vitro” лабораторияси томонидан ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари ва кўчатларини тайёрлаш, етказиб бериш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ҳамда етиштириш агротехникаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар бериш бўйича хизматларни шартнома асосида ташкил этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, कोरोनाвирус пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланган ҳолда икки марта ҳосил олиш ишларини ташкил этсин.

10. Тошкент давлат аграр университети, Фарғона вилояти Қува туманидаги Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази “Томорқа хизмати” МЧЖлар таклифлари асосида уларнинг ходимларини ва бирга ишловчи томорқа ер эгаларининг малакасини оширишни тизимли ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.Хайтов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 июнь

Ш.МИРЗИЁЕВ

АҚШ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1 июль куни юқори даражали “Марказий Осиё – АҚШ” (“C5+1”) шаклидаги навбатдаги учрашув бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ва АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео қатнашди.

Учрашувда, шунингдек, мамлакатимизда бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Адам Болер иштирок этди.

Томонлар минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга, жумладан, коронавирус тарқалишига қарши курашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

“COVID-19” пандемияси шароитида глобал ўзгаришларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари рақамли иқтисодий ривожлантириш, миллий транспорт стратегиясини мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш, минтақа мамлакатларининг энергетика салоҳиятини кенгайтириш, Марказий Осиёнинг экологик оғир минтақаларида ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, Оролбўйини инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш каби йўналишлардаги ҳамкорликка урғу беришни таклиф қилди.

Абдулазиз Комилов Ўзбекистон томони халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги тинчлик жараёнини илгари суриш бўйича фаол ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг чиқишларида “C5+1” шакли Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни илгари суриш платформаси сифатида ўз аҳамияти ва долзарблигини намоиш этишда давом этаётгани тасдиқланди.

Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Адам Болер бошчилигидаги АҚШ делегация-

си аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди. Қайд этилганидек, сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар сезиларли даражада ўсди. Бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат асос бўлмоқда. Айни жараёнда парламентларо алоқаларга алоҳида аҳамият берилляпти.

Томонлар Ўзбекистон – АҚШ парламент ҳамкорлиги гуруҳи, АҚШ Конгрессининг “Ўзбекистон бўйича Кокус” тузилмаси фаолиятини жаддаллаштириш, демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича конструктив мулоқотни янада ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашди.

АҚШ билан ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий, молиявий, инвестиция ва замонавий технология йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда “Doing business 2020” йиллик рейтингда Ўзбекистон энг юқори кўрсаткичга эришган йигирмата мамлакат қаторига киргани эътироф этилди.

Сенат фаолияти ва парламентда аёллар ўрни, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича кўриляётган чоралар ҳақида сўз юритилди.

АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш, мажбурий меҳнат билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш масалаларига, бу борада биргаликда ишлаш истиқболларига урғу берилди.

Мулоқот давомида бир қатор қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида парламентнинг ролини янада ошириш мақсадида парламентаризмни қўллаб-қувватлаш, парламент аъзолари ва ходимларининг АҚШ тажрибасини ўрганиш учун АҚШ Конгрессида амалиёт ўташини ташкил этиш, Ўзбекистонда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган аёллар учун инновацион технологиялардан фойдаланишга шарт-шароит яратиш, қишлоқларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, аёлларга нисбатан зўравонликка қарши чораларни амалга ошириш ҳамда одам савдосига қарши курашиш бўйича таклифлар билдирилди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.**

Андижон вилояти

Туманда балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш ва аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш мақсадида интенсив ва ярим интенсив усулдан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

ЖАЛАҚУДУҚ ТУМАНИДА ИНТЕНСИВ ВА ЯРИМ ИНТЕНСИВ УСУЛДА БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ БОШЛАНДИ



Интенсив технология мулкдорлар учун қулай бўлиб, келажакда фермерлар даромади янада ошиб боришини таъминлайди. Жалақудуқ туманида балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда интенсив ва ярим интенсив усулларда балиқ етиштириш бўйича амалий ҳаракатлар бошланган.

Ойим қишлоғида жойлашган “Халоллик пойдевори” балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Мирзаев ҳамда Тешиктош қишлоғида жойлашган “Жавлонбек” балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари Жавлон Мўйдиновлар томонидан Хитой технологияси асосида сув ҳавзаларини ксилород билан таъминлаш ускуналар олиб келиниб, дастлабки жараёнлар бошланди.

Сурхондарё вилояти

Жарқўрғон туманида “Жасур агроماش сервис МТП” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 2,5 миллион доллар бўлиб, унинг 1,250 миллион доллари ташаббускорники, 1,250 миллион доллар хизмат кўрсатувчи тижорат банки кредит маблағидир.

ЯНА 100 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Корхона йилига 5 000 кв.м. гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, тайёр маҳсулотнинг 50-60 фоизи экспортга, қолган қисми вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳамда Республикаимизнинг бошқа ҳудудларига йўналтирилмоқда. Корхонада 75 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

“Жасур агроماش сервис МТП” МЧЖ томонидан корхона фаолиятини кенгайтириш, товар ва хизматлар турини кўпайтириш мақсадида йил якунига қадар ротбанд, шпателька, мел ва бошқа куруқ қурилиш аралашмалари, шунингдек, гипсокартон плиталарини қотиришда ишлатиладиган профиллар, шуруп, саморезлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бунинг натижасида корхонада яна қўшимча 100 та янги иш ўрни яратилади.

Жорий йилнинг 30 июнь куни Навоий шаҳрида Навоий вилояти ҳокимлигининг ташаббуси ҳамда “Sensorika” МЧЖ томонидан ўзига хос лойиҳа иш бошлади.

НАВОЙЛИК ЁШЛАР УЧУН АЖОЙИБ ТУҲФА

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН ЛОЙИҲА НАВОЙ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛДИ



Навоий шаҳрининг 100 га яқин нуқталарида махсус ZOOM дастури орқали марказий бошқарув масканига боғланган ёшлар вилоят ҳокими билан онлайн мулоқот давомида ўзларининг ҳаяжонларини яширмади ва дил изҳорларини баён этдилар.


Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда эълон қилинган “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиёт” йилида янги технологияларни жадал ўзлаштириш орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг ахборот технологияларидан самарали фойдаланишларига етарли имконият ва шарт-шароит яратиб бериш, ахборот ва коммуникация технологиялари ютуқларидан тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий-иқтисодий соҳа вакилларини ўз вақтида хабардор қилиш, бутун дунёда давом этаётган пандемия шароитида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, масофадан туриб ишлаш, аҳолининг интернетга бўлган эҳтиёжини қоплашда ҳар томонлама энгиллик яратиш ва бошқа муҳим масалаларга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг грант лойиҳаси асосида жорий этилаётган мазкур лойиҳа мамлакатимиз, қолаверса, Ўрта Осиёда ягона бўлиб, айнан Навоий шаҳрида амалга оширилмоқда ва натижада шаҳарнинг барча ҳудудларини ягона марказлашган бепул WiFi тармоғи билан қамраб олиш режалаштирилган.

Hotspot дастури Ўзбекистонда WiFi тармоқларни бошқариш инновацион сервер дастури булиб, туристик объектлар, давлат ташкилотлари ва тадбиркорлик объектларида симсиз тармоқни бошқариш имконини беради.

Дастурнинг сервер қисми ёрдамида мижозларни WiFi тармоғига SMS орқали улаш ва идентификация қилиш ва уларга турли маълумотлар ҳамда реклама кўрсатиш орқали интернетга кириш учун рухсат бериш тизими ҳисобланади.

Лойиҳанинг ишга туширилиши жараёнида Навоий вилояти ҳокими К.Турсунов иштирок этиб, шаҳарни WiFi тармоғи билан таъминлашни бошлайдиган рамзий пулт билан старт берди.



Дастурни молиялаштириш ишлари Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айни пайтгача лойиҳа доирасида Латвиянинг Микротик компаниясидан 218 миллион сўмлик WiFi қурилмалари олиб келинди.

Бугун ушбу лойиҳанинг дастлабки босқичи ишга туширилди ва Навоий шаҳрида 150 дан ортиқ нуқталарга зарур техник узатма мосламалари (роутерлар) ўрнатилди.

Ушбу жараён жорий йил охирига қадар давом этади. Навоий шаҳрида 400 та мана шундай мосламалар ўрнатилади ҳамда 6-10 километр радиусда бутун шаҳар бўйлаб WiFi тармоқлари ишга туширилади.

Лойиҳа доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона ва Олмалиқ шаҳарларида бир нечта меҳмонхона ва парклар тизимга уланди ва муваффақиятли ишламоқда. Бундан ташқари, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Самарқанд вилояти ИстТелеком провайдери, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тадбиркорлик субъектлари билан дастурни ушбу ҳудудларда кенг тарғиб қилиш бўйича манзилли келишувларга эришилди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, мазкур лойиҳа ва бошқа инновацион дастурлар бўйича амалий ишлар нафақат Навоий шаҳрида, балки вилоятнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Хусусан, Зарафшон шаҳрида “CITY WIFI” МЧЖ томонидан “Ақли шаҳар” лойиҳаси асосида дастлабки амалий ишлар бошланган бўлиб, жорий йил охирига қадар бутун Зарафшон шаҳри тўлиқ WiFi тармоқлари билан қамраб олиниши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, бу каби амалий ишларнинг узвий давоми кейинги босқичда Учқудуқ шаҳрида ҳамда барча туман марказларида йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Наманган вилояти

Дунё мамлакатлари раҳбарларининг ўз давлатининг ҳудудларига чиқиши ва муаммоларни жойида ҳал этиш амалиётидан кўпчилигимиз бохабармиз. Қатор давлат еткчиларининг бирор тадбир ёки табиий офат, фавқулодда ҳодисалар содир бўлгандагина ҳудудларга чиқишларидан ОАВ орқали кўп бора хабардор бўлганмиз.



“АСОСИЙ МАҚСАД-МУДДАОМИЗ – ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ...”

Наманганда оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, жамоат ишлари ва ўзини-ўзи банд қилиш орқали камбағал оилаларнинг 12 минг 550 нафар аъзосини иш билан таъминлаш чора-тадбирини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоят, туман раҳбарларининг ҳали назари тушмаган энг чекка қишлоқларга ҳам етиб бориши, халқ билан очиқ мулоқот қилиши, муаммоларни жойида ўрганиши ва энг муҳими масалаларни ўша пайтнинг ўзида, жойида ҳал этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниши ва чора-тадбирлар белгиланиши давлат ижтимоий – иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда



Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ҳудудга эртароқ бориб, мавжуд ҳолат билан яқиндан танишган вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатор муаммолардан ташрифга тайёргарлик вақтида хабардор бўлаётганини эътироф этишмоқда. Уларни бевосита мамлакат раҳбари бошчилигида тегишли вазирлик ва соҳа масъуллари билан биргаликда жойида дарҳол ҳал қилинмоқда.

Юқоридаги фикримиз янада тушунарлироқ бўлиши учун муҳтарам Юртбошимизнинг яқинда Наманган вилоятига ташрифлари борасидаги баъзи бир мулоҳазаларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ташриф режага 26-27 июнь кунлари амалга оширилиб, икки кун мобайнида кўплаб ижтимоий-иқтисодий объектларда Президентимиз вазирлик, идора, вилоят, шаҳар ва туманлар раҳбарлари,

жамоатчилик вакиллари билан учрашди, халқнинг сўзини эшитди, одамлар билан маслаҳатлашди ва ана шу тадбирлардан кейингина йиғилиш ташкил қилиб, унда Наманган вилоятидаги мавжуд ҳолат, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, имкониятлардан самарали фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни амалиётга тезроқ жорий этиш, иш ўринларини яратиш, кўйинги, барча соҳаларда бугунги кун талаби ва келажақдаги мақсадлар асосида иш ташкил этиш бўйича зарурий чора ва вазифаларни белгилаб берди.

Сир эмаски, коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёда бўлгани каби бизда ҳам ишсизлик даражаси бир мунча ортди. Ана шу ҳолатни бартараф этиш бугуннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Шу боис ҳам Наманганда оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, жамоат

ишлари ва ўзини-ўзи банд қилиш орқали камбағал оилаларнинг 12 минг 550 нафар аъзосини иш билан таъминлаш чора-тадбирини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Ҳар бир туман, шаҳарда 4 тадан кичик саноат зоналарини барпо этишга ва уларнинг умумий сонини 50 тага етказишга қарор қилинди. Йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан тўлиқ таъминлаш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 23,3 млрд. сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Ташриф чоғида Президент шунингдек, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Юксалиш” кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди. 117 гектар майдонни эгаллаган мазкур саноат мажмуасида 1 триллион 208 миллиард сўмлик 95 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Шу жойнинг ўзида тегишли вазирлик ва идо-

ралар раҳбарлари билан биргалликда вилоят саноатини янада ривожлантириш режаларини кўриб чиқди. Тараққиёт ва тикланиш жамғармасидан ажратиладиган 80 млрд. сўм маблағлар ҳисобига хизматлар соҳаси билан шуғулланиш истагини билдирган тадбиркорлар лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тузиш лозимлиги қайд этилди. Ўзини-ўзи банд қиладиган аҳоли сонини қўшимча равишда 30 минг нафарга ошириш ва Наманган шаҳрида “Ишга марҳамат” мономаркази қурилиб, уни 2021 йил 1 январгача ишга тушириш белгиланди.

Янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилмай ётган имкониятлар бисёр. Шу боис қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи турларида кооперативлар ташкил этиш ва иссиқхоналар қуриш ишларини амалга ошириш учун 16 млрд. сўм, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини кенгайтириш учун 15 млрд. сўм маблағ ажратиш чоралари белгиланди.

Президентимиз Поп туманидаги 1 минг 885 гектар ўзлаштирилмаган ерда ташкил этилган “Нуран-Ўз” мева-сабзавотчилик кластери фаолияти билан ҳам танишди, далада нуронийлар, қишлоқ хўжалик ходимлари билан суҳбатлашди.

Томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйилиши орқали биргина Чортоқ туманининг ўзиде 87 гектар янги боғ ва тоқзорлар, иссиқхоналар ташкил этилди. Бунинг натижасида 350 та ёш оила, аниқроғи 1010 нафар аҳоли ишли бўлди. Уларнинг қарийб барчаси кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳисобланади. Бунга биргина мисол қилиб, тумanning “Баланд адир” худудида кам таъминланган оилалар учун ҳар бири 2 сотихли 1000 та иссиқхона ташкил этилмоқда. Бугунги кунгача бу ерда йилига 7 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконини берадиган 800 та иссиқхона қуриб битказилди. Мазкур лойиҳа тақдироти чоғида Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлашдаги



Президентимиз Учқўрғон туманидан оқиб ўтувчи Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб балиқ турларини ишлаб чиқариш корхонаси – “DB Group Eco” фаолияти билан ҳам танишди. Мазкур жамият балиқларнинг ноёб турларидан бўлган Фарел, ласос етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб иш бошлаган.

бу каби ишларни тизимли давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Барчамизга маълумки, мустақиллик даврларида балиқчилик саноати анчагина оқсаб, аҳолининг балиқ маҳсулотлари истеъмоли кескин камайиб бораётган эди. Кейинги йилларда аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқни ривожлантириш учун қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар ва субсидиялар берилди. Бунинг натижасида балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада ошди. Президентимиз Учқўрғон туманидан оқиб ўтувчи Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб балиқ турларини ишлаб чиқариш корхонаси – “DB Group Eco” фаолияти билан ҳам танишди. Мазкур жамият балиқларнинг ноёб турларидан бўлган Фаррел, ласос етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб иш бошлаган.

Бу балиқ маҳсулотлари инсон организми учун ўта керакли витаминларга бойлиги билан бутун дунё мамлакатларида қадрланади. Шундай экан, келгусида тайёр балиқ маҳсулотлари нафақат ички, дунё бозорига ҳам етказиб бери-

лиши режалаштирилган. Бу эса “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остидаги маҳсулотларимиз турининг яна биттага ошишига ҳамда валюта тушумларининг кўпайишига олиб келади.

Юртбошимиз шу ернинг ўзиде вилоятда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш бўйича тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликлар томонидан тайёрланган янги лойиҳалар тақдироти билан танишиш асосида, вилоятда яна бир соҳа асаларичиликни ривожлантириш имкониятлари жуда катта эканлигига эътиборни қаратди. Мазкур соҳани ривожлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, Наманган шаҳрида 10 минг тонна асал тайёрлаш ва қадоқлаш мажмуасини ишга тушириш бўйича топшириқлар берди. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳа ва инфратузилма объекти учун қўшимча 100 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, ташриф чоғида Наманган вилоятида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар берилиши учун 300 млрд. сўм ресурс ажратишга қарор қилинди. Хунармандлар билан маслаҳатлашган ҳолда Наманган

шаҳридаги машҳур “Афсоналар водийси” истироҳат боғи худудида 200 ўринга мўлжалланган “Хунармандчилик маҳсулотлари савдо маркази” қуриладиган бўлди. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу марказ мамлакатимизда ўзига хос “Хунармандчилик ютуқлари кўрғазмаси” га айланади ва соҳа ривожига катта ҳисса қўшади.

Оқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, биргина Наманган вилоятига ташрифга тайёргарлик ва уни ўтказиш мобайнида мутасадди ташкилотлар томонидан 2020-2021 йилларда жами қиймати 16,3 триллион сўмлик 1953 та лойиҳа амалга оширилиб, 55 мингта янги иш ўрни яратиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу лойиҳаларни амалиётга жорий этиш Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта туртки беради ва аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига хизмат қилади, албатта.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи якунида вилоят фаолларига қарата айтган сўзларидан жумла келтирмоқчиман: “...кейинги пайтларда анъанага айланганидек, бир-биримиз билан очикча гаплашиб, муаммоларни маҳаллалардан бошлаб туманлар миқёсида ўртага ташласак, шу асосда бир йилга режа қилиб олсак, ўйлайманки, ушбу йигилишимиздан кўзланган натижага эришамиз. Энг катта мақсад-муддаомиз – одамларни рози қилиш...”

Тўғри, тан олиш керакки, ривожланган давлатларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзини-ўзи бошқарадиган тизими яратилган ва биз ҳам келгусида шу йўлга ўтишимиз муқаррар. Бугун эса ташрифлар мобайнида Президентимиз вазирлик, идора ва ҳокимликлар раҳбарларини ана шундай тизим яратишга тайёрлаб бораётганлиги кўриниб турибди. Соддароқ қилиб айтганда, Президентимизнинг вилоятларга ташрифларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш амалиёти вазирлик, идора ва ҳокимликлар раҳбарлари ва мутахассислари учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий бошқаришнинг ўзига хос мактаби вазифасини бажармоқда. Шундай экан, барчамиз, шу жумладан юртимиз келажаги бўлган ёшларимиз фидойиликни, элим деб, юртим деб ёниб яшашни керак бўлса туну-кун халқ хизматида турган Юртбошимиздан ўрганмоғимиз керак.

Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
“Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш” Наманган вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Биз қачондан буён оила сирларини ҳаммага дастурхон қиладиган “халқ” қа айлана қолдик?

Бугун интернет жадал ривожланаётган, журналист олдиға қўйилаётган талаб, масъулият янада кучайган шароитда янги фикр айтиш ҳам осон эмас. Лекин битта ачинарли томони, тўрт қатор сўзни эплаб ёза олган, ёза олмаган ҳам мен журналистман, дея кўкрагига ураётгани баъзан кишини жуда ҳайратлантиради.

Бўлар-бўлмас воқеаларни бўрттириб, интернет сайтлари орқали тарқатиш, қайси артистнинг кимга уйланаётганини оламга жар солиб овоза қилиш, бировларнинг оилавий сирини ошкор қилиш бу журналистнинг вазифаси, масъулиятига кирмайди. Қолаверса, ментелитетимизга ҳам тўғри келмайди. Оила сирини аслида оиланинг ўзида қолиши керак. Аввалда кўпни кўрган момоларимиз оиладаги куёв-келин ўртасидаги баъзи келишмовчиликларни оиланинг бошлиғига сездирмай тинчитган. Бирон сабаб билан турмушга чиқиб кетган қизи аразлаб келиб қолгудек бўлса, игна устида ўтиргандек ташвишга тушиб отасига билдирмай, юрагини ҳовучлаб, қизига насиҳат қилиб, уйига жўнатиб юборган. Шундай экан, бачкана нарсаларни интернет орқали тарқатиш, бировларнинг оиласидаги мижроларни чигаллаштириш аслида журналистнинг (кўпроқ бундай енгил-елпи ахборотларни журналист зиммасидаги масъулиятни тушунмайдиган баъзи блогерлар тарқатишяпти) вазифасига кирармикан? Журналист айтган сўз, у кўтариб чиққан муаммо одамлар яхши яшаши, жамият ривожланиши, юзага келаётган тўсиқлар олиб ташланиши учун хизмат қилиши лозим. Яна қайнона-келинни телеэшиттиришларга чақириб олиб айб кўпроқ қайнонадами, келиндами дея уларни юзлаштириш, бир-бирининг юзига лой чаплашини томоша қилиш бизнинг қайси одоб-ахлоқ мезонларимизга тўғри келади?

Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтмасам бўлмас. Гулистон-Янгиер-Даштобод йўлида биздан анча олдинда кетаётган енгил машина йўлдан чиқиб кетиб бетонга урилди. Машина олд ойналари синиб, шикастланди. Рўлдаги киши қаттиқ жароҳат олибди. Машинанинг орқа ўриндиғида иккита ёш бола билан ўтирган аёл жон ҳолатда “Ёрдам беринглар!” “Илтимос, ёрдам беринглар!”, деб бақираяпти. Иккита машинадан тушган уч-тўрт нафар йигит телефонда расмга тушириб, ким ўзарга воқеани интернетга ташлашга шошиляпти. Бахтсизликка учраган йўловчилар қай аҳволда-ю, бу воқеадан катта бойлик топган гадодек севинаётган, фожиани дунёга “суюнчилаётган” блогерчалар нима илинжда? Бировнинг фожиасини одамларга кўрсатиш, дунёга ошкор қилиш уларга шунчалик омад олиб келармикан? Худо асрасин-у шундай тасодифий бахтсизлик ўзингизнинг бошингизга тушганда нима бўларди? Воқедан қувонгунча фожиага йўлиққанларга ёрдам қўлини чўзиш жоиз, у ҳаммасидан ҳам мардона иш, савоб эмасмиди? Қачондан бошлаб бу ёшлар бировларнинг фожиасидан фил ясайдиган ҳисси, лоқайд кимсалар, манқуртларга айлана қолди? Бизнинг ўзбекона бағрикенглигимиз, халқпарварлигимиз қаерда қолди? Бу тарбиямизнинг бўшлиғи, имон-этиқодимизнинг сустлиги мевалари эмасми? Чуқурроқ ўйлаб, мушоҳада қиладиган бўлсак, шундай тарбия маҳсулидан, бу ёшларнинг хатти-ҳаракатларидан

ташвишга тушиб, эртага нима бўлар экан-а? деб юракларинг орқага тортиб кетади... Ё алҳазар, ишқилиб, бу ёруғ дунёда шундайларга кунимиз қолмасин-да!

Айтмоқчиманки, қўлига қалам тутган журналист, блогерман деган мард Ватан, давлат тараққиётига хизмат қиладиган, одамлар мушкулотларини енгиллаштирадиган долзарб масалаларни кўтариб чиқиши, ёниқ сўзнинг нечоғлик қудратли эканини исбот этиши лозим. Юртбошимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун байрами муносабати билан йўллаган табриғида ҳам мамлакатимизда коронавирус кечаётган, бу офат дунёни ларзага солаётган бир пайтда журналистларнинг шифокорлардек шижоат билан ишлаётганини, Ватанимизда ислохотлар амалга оширилишини таъминлашда катта фидокорлик кўрсатаётганини алоҳида эътироф этдилар. Давлатимиз раҳбари шу билан бирга чуқур танқидий, таҳлилий мақолалар беришда, муаммоларни ҳаққоний кўтариб чиқишда соҳа ходимлари ҳали сусткашлик қиладиганини ҳам тилга олдилар. Бу ўринли танқид ўз устимизда қаттиқ ишлашни, воқеаларга ўта объектив ёндашиб одамлар дилида, тилида турган масалаларни журъат билан кўтариб чиқишни тақоза этади. Токи биз шунга эришган тақдиримизда, мамлакат тараққиётига, одамлар манфаатларига, тинчлигимизга хизмат қиладиган мақолаларда ёниқ сўзнинг қудратини ҳаққоний исбот қилганимиздагина журналист номини оқлаган, сўзнинг қудрати атомдан кучлилигини амалда намоён этган бўлаемиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.

“ҲАР БИР ЁШГА 50 СОТИХ” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА 20 НАФАР ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ



Навоий шаҳри “Ёшлик” маҳалласи ҳудудидаги ғалладан бўшаган 10 гектар майдон “Ҳар бир ёшга 50 сотих” лойиҳаси доирасида 20 нафар банд бўлмаган ёшларга фойдаланиш учун тақдим этилди.

Уларга Навоий шаҳар ҳокими М.Базаров томонидан махсус сертификатлар топширилди. Лойиҳа доирасида шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Халқ қабулхонаси мудирини, Ёшлар иттифоқи Навоий шаҳар Кенгаши фаоллари иштирокида ёшларга ер майдонлари ажратиб берилди.

Навоий шаҳрида 2020 йилда тасдиқланган Манзилли режага мувофиқ ёшлар бандлигини таъминлашни мақсад этган мазкур ташаббус келажак эгалари учун “Ёшлар куни” да муносиб туҳфа бўлди.

Эндиликда ёшлар мазкур ғалладан бўшаган, унумдор майдонларда такрорий полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириб, ўзларининг бандлигини таъминлайди ва оила бюджетини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшади.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



БАРАКАЛИ ҲОСИЛ – РИЗҚ-РЎЗ МАНБАИ

Андижон вилояти ғаллакорлари тайёрлов корхоналарига 285 минг 561 тонна сара дон етказиб бериб, жорий йил шартнома режасини уддаладилар.


Айниқса, Балиқчи туманидаги “Холмирза ишончи”, Избоскан туманидаги “Тиллабоев сардори”, Олтинкўл туманидаги “Кўҳна водий ишончи”, Пахтаобод туманидаги “Сарвиноз парвози”, Бўстон туманидаги “Сарадон саховати” фермер хўжаликлари 80-90 центнердан ҳосил олиб, хирмонга баракали ҳисса қўшди.

Ҳудудлар кесимида шаҳрихонлик фермерлар карвонбошилиқ қилишмоқда. Тайёрлов корхонасига 25 минг 454 тонна ўрнига 27 минг тоннадан зиёд ғалла етказилиб, шартнома режаси 106 фоиздан мўлроқга бажарилди.

Зухриддин
УМУРЗОҚОВ (ЎЗА)
олган сурат.

АМУДАРЁДАГИ УММОНДАН ҚОЛГАН “ЭСДАЛИК”ЛАР САЙЁҲЛАРНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ

Қорақалпоғистон
Республикаси
Амударё туманидан
ўтган Ғузур-Бухоро-
Нукус-Бейнеу
автомагистраль
йўли бўйидаги
тепаликда
юзлаб шарсимон
тошларни
учратиш мумкин.
Дунёнинг баъзи
давлатларида шу
каби тошларни
“динозавр
тухумлари”
дейишади.



Маълумотларга кўра, фанда “Моераки тошлари” деб ном

берилган шарсимон тошлар геологик нуқтаи назардан олиб

қараганда, океаннинг кальций минерал тузлари ҳамда тупроқ бирикмасидан ҳосил бўлган.

Ушбу тошлар Тетис уммонидан қолган “эсдалик”. Миллион-миллион йиллар аввал тошларнинг диаметри 2-2,5 метр катталиқда бўлган. Вақт ўтиши билан емирилиб, қобиқларидан ажралган. Ҳозирда тошларнинг диаметри ўртача 0,3-0,5 метр атрофида. Бу каби шарсимон тошлар Янги Зеландия оролларида, Австралия ва Қозоғистон Республикаси ҳудудида учрайди ҳамда уларни кўриш учун ҳар йили юзлаб сайёҳлар ташриф буюради.

Мақсад
ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

Жорий йилги ўзгарувчан об-ҳаво шароитида ғўзани парваришлашда агротехник тадбирларни уюшқоқлик билан ўз вақтида ва сифатли бажариш, тупроқнинг табиий наmidан, мавжуд ресурсларидан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, суғориш сувларидан оқилона фойдаланиш, илмий тавсияларни ва илғор тажрибаларни кенг қўллаш, ҳар бир кунни ғанимат билиш талаб этилади.

Бу йилги экиш ишларига эрта киришилган бўлса, апрель ойидаги салқин ва нам, иссиқ ва қуруқ об-ҳаво туфайли барча вилоятларда чигит экиш ишлари биров чўзилиб кетиши, ёғингарчилик ва намлик кўпайиб, қатқалоқлар, қайта экишлар натижасида, айрим майдонларда биров орқада қолиши билан биргаликда турлича ривожланиши кузатилмоқда.

Ўза ниҳолларининг тез ривожланишини таъминлаш учун биринчи галда, ўз вақтида озиклантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Озик элементларининг танқислиги ғўзадаги ҳаётӣ жараёнларнинг меъёрида кетишини бузади, оқибатда ҳосил камаяди. Олимлар ғўзанинг талаби ва тупроқ-иклим шароитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиб-ривожланишининг турли босқичларида ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиққанлар. Ўза тупроқ таркибидаги озукани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради.

Озуқа моддаларга талаби нафақат микдор, балки сифат жиҳатидан ҳам турличадир.

Тупроқ унумдорлигини тиклаш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда маъдан ва маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти катта.

Тупроқнинг табиий унумдорлигининг ошириш ҳисобига ҳар гектардан 12-14 центнергача пахта етиштириш мумкинлиги олимларимиз томонидан исботланган.

Азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан меъёрида озиклантирилса, ғўза ҳосилдорлиги гектарига 35-40 ва ундан ҳам кўп центнерга етади. Ҳозирги вақтда экин тупроқда солинган азотнинг 45-50, фосфорнинг 15-20, калийнинг 50-60 фоизини ўзлаштиради.

Физиологик тажрибаларнинг кўрсатишича ғўза ўсув даврининг турли пайтларида озик моддаларни ҳар-хил меъёрга ўзлаштиради. Ўсимликнинг озукани ўзлаштириши фотосинтез жараёнига боғлиқ.

Фотосинтез натижасида баргларда ҳосил бўлган шакар моддалари ғўза томирларига етиб боргандан кейин, улар озик моддаларни шимишни бошлайди.

Шу боис, ўғитларнинг энг мақбул микдори, муддати, ишлатиш усули, озукча моддаларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Зеро буларни чуқур билиш турли тупроқ-иклим шароитида ҳам ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Илмий асосланган таҳлилларга кўра, юқори сифатли ҳосил етиштириш учун ер таркибида органик ва қийин эрийдиган минерал моддалар етарли эмас. Аммо, тупроқдан азот фосфор ва калийнинг етарли бўлиши ўсимлик учун ўта муҳимдир.

Шу боис, биринчи ҳосил шохчадан гуллаш бошлангунча ғўзанинг азот ва калийга бўлган талаби ортади. Гуллаш бошланган азот ва фосфорга эҳтиёжи ортади. Булар билан бир қаторда, суспензия сепиб (1,5-2,5 %) барг орқали азотли ўғитлардан фойдаланилса ғўзанинг ўсиб ривожланиши жадаллашиб сўрувчи зараркунандалар – шира тринсга бардошлилиги кучаяди.

Шуларни инобатга олиб одатда ўсиб-ривожланишининг асосий босқичларида

азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбатлари 1-0,7-0,5, старзида бўлиши лозим. Бунда фосфор ва калийнинг йиллик меъёрига нисбатан 60-70 фоизини шудгорлаш ёки экиш олдидан, қолгани ғўзани озиклантириш пайтида бериш керак.

Афсуски, бир қатор фермерлар ерга азот солишга кўпроқ эътибор бериб, ўғитларнинг аҳамиятини туғри баҳоламайдилар. Ҳолбуки ғўзанинг фосфор айниқса, калийга талаби азот эҳтиёжи билан тенг ва ҳатто ундан ҳам юқоридир. Бир тонна пахта хом ашёси тупроқдан 50-60 килограмм азот, калий ва 25-30 кг. фосфорни ўзлаштиради.

Олимларимиз томонидан ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, ғўза меъёрида озиклантирилганда ҳар-бир чанокдаги пахта-нинг оғирлиги ўртача 6-7 граммни ташкил этади, калий тақчил бўлганда эса унинг оғирлиги 4,0-4,5 граммдан ошмаган. Бундан ташқари толаннинг мустаҳкамлиги, пишиқлиги, уруғнинг мойлиги пайсаган.

Калийнинг яна бир хислати ўсиш тўқималарини яхшилайди. Бу ўғит билан етарли даражада озиклантирилган ғўза қисқа муддатли курғоқчиликка бардош беради.

Суғориш муддатини 5-6 кунга кечиктириш учун имконият яратади. Калий етишмаган тақдирда ўсимликнинг касалликка чидам-лиги сусаяди, асосий танасининг ўсиши тўхтайд.

Айниқса, бўғинлар ўртасидаги оралик сезиларли даражада қисқаради, дастлабки даврда ғўза барги тўқ яшил тусга киради. Бу етишмовчилик кучайганда барглар сўлқинқарайди, шунингдек, танаси бўшашади, гуллаш ва кўсаклаш жараёни бузилади, ҳосилнинг етилиши ҳар-хил бўлади.

Минерал ўғит билан бирга фермер хўжаликлари гўнғ, ҳазон, товуқ ва ипак қурти чиқиндиларидан тайёрланган компост бериш-ни ташкил этишса ҳосилга ҳосил қўшилади. Шу билан бирга калий ва фосфор етишмаган майдонларда тўла чиритиб, сўнгра қуритилган гўнгни ҳар гектарга 5-6 тоннадан ғўзанинг ўсув даврида, минерал ўғитлар беришдан олдин ишлатиш жуда яхши самара беради. Натижада ҳосил бўладиган тупроқдаги карбонат ангидрид олдинги йиллари солинган фосфорга таъсир кўрсатиб эрувчанлигини кучайтиради, бинобарин ўсимликни ўзи анча кўп ўзлаштиради.

Вазиятга қараб бугунги кунда, барча агротехник тадбирларни тупроқнинг табиий намлигини сақлашга қаратиш ва мавжуд табиий намликдан самарали фойдаланиш асосий вазифа бўлиши учун тупроқ унумдорлигини кўтариш лозим, унумдор тупроқ сув сарфини ҳам тежайди.

Мухтасар айтганда, халқимиз хирмонига етказиб берилажак ҳосилнинг мўл бўлиши, пахтакор деҳқонларимизнинг бугунги меҳнатига боғлиқ, зеро астойдил меҳнат қилинса, ният устувор бўлса кўзланган марра албатта эгалланади.

Ренат НАЗАРОВ,

қишлоқ хўжалик фанлари доктори.



ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚЎШИМЧА ГРАНТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори билан "Олий таълим муассасаларига хотин-қизларни қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсияномалар бериш ва ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида" ги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, бундай тавсияномалар қуйидаги мезонлардан бири асосида берилади:

- кам таъминланган ошладан чиққан хотин-қизлар;
- тўлиқсиз ошлада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;
- 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандлари тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл (эркак)ларнинг қизлари;
- шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган ошларга;
- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар;
- ногиронлиги бўлган фарзанди бор ошлардан чиққан хотин-қизлар;
- олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ мартабага паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи ошлардаги қиз фарзандлар (уларни ўз ҳудудида 3 йил ишлаш шартли билан).

Низом билан тавсиянома олиш тартиби

Унга кўра, ҳар йили февраль ойида хотин-қизларга тавсияномалар бериш бўйича ишчи гуруҳи тузилади.

Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган хотин-қизларнинг ҳужжатларини ҳар йили 10 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларига тақдим этади.

Ишчи гуруҳ томонидан саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхати ҳар йили 15 июнга қадар Давлат тест марказига тақдим этилади ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Тавсиянома олий маълумот олиш истагида бўлган хотин-қизларга 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Тавсиянома ажратилган қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида абитуриент сифатида рўйхатдан ўтишида танлаган биринчи таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқини беради, иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олиш учун танловда иштирок этишга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўз мухбиримиз.



Фарғона ВИЛОЯТИ

ҲОСИЛ ДАЛАСИДА ТУҒИЛГАН САТРАЛАР

Олтиариқлик Абдусалом Аҳмадалиев билан эллик беш йиллик дўст-қадрдонман. Ўтган асрнинг олтмиш бешинчи йили кузида Бойқўнғир космодроми қурилишида танишганмиз, уч йиллик ҳарбий хизматни бирга ўтаганмиз, темир-бетонли махсус “ўра” ичидан отилиб чиқиб, чор-атрофга олов пуркаганча осмонга кўтариладиган ракеталарни парвозга тайёрлаганмиз, белгиланган орбитага кўтарила олмай, ерга қулаганларини ҳам кўрганмиз.

Раҳматли Анвар Обиджоннинг бизга йўллайдиган қўлэзма шеърларини ўқиб, бўлажак халқ шоирига бўлажак агроном ва журналист маслаҳатлар бериб турардик. Хизматдан кейин мен ҳозирги Миллий университетнинг журналистика, Абдусалом қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига кириб ўқишни ният қилиб, Бойқўнғирнинг юлдузлар билан тўла тиниқ осмонига тикилганча хаёл сурганмиз, бўлажак имтиҳонларга тайёргарлик кўрганмиз. Абдусалом бадий китобларни, Иброҳим Адҳам қиссалари-ю шох Машраб ғазалларини кўп ўқиган, мен эса раҳматли дадам колхозда ҳосилот бўлиб ишлаганлари учун экин-тикин парваришига оид анча-мунча нарсадан хабардор эдим.

Не бахтки, иккимизнинг ҳам орзуимиз ушалди. Ўқишни тугаллагач, биринчи хизмат сафарини Олтиариқдан бошлаб, Абдусаломни ўза қаторларини оралаб, ҳосил чўғини чамалаб юрган жойида учратдим. “Шона, гул, кўсак” деган мақолам ёшлар газетасида

босилди. Шу-шу Олтиариқ мен учун қадрдон гўша бўлиб қолди. Бу ердан оёқ узмадим, йўлим водийга тушди дегунча, Қизилтепа массивига бориб, дўстимдан хабар оладиган бўлдим. Санасам саногига ета олмайдиган қадрдонлар, даврадошлар, суҳбатдошлар орттирдим. Миришкор деҳқонлар, узумчиликни санъат даражасига кўтарган боғбонлар, ишнинг “кўз”ини билладиган тадбиркорлар билан танишдим. Ажойиб учлик пайдо бўлди – мен, Абдусалом, Анвар Обиджон. Тонгача шеърхонлик қилган, Абдусалом рубобда, мен доирада, Анваржон ликопча ёки дўппини ушлаб, “На қилдим сенга мен, ёрим, жамалиндин жудо қилдинг”, деб бошланувчи кўшиқни жўровоз бўлиб куйлаган пайтларимиз кўп бўлди. Олтиариқлик ҳофизлар билан бирга кўп давраларда бўлдик, адабиёт, маънавият, имон-этиқод, фалсафа ҳақидаги баҳсларимизнинг адоғи кўринмасди.

Абдусалом кўп йиллар туманнинг бош агрономи бўлиб ишлади, пахтачилик илми, ер илмини анча

қуқур ўрганди. Анваржон туман газетасидан кўтарилиб, Тошкентга келди-ю, ўқиш билан бирга болалар шеърятини ислоҳ қилишга киришди. Мен журналистикага содиқ қолдим, “Буоқ учлик”ка зарар етмади, гоҳ Тошкентда, гоҳ Олтиариқда ижодий мулоқотларни давом эттирдик.

Яқинда Абдусалом, қўлида бир даста қоғоз, ёшлик йилларимизга хос жўшқин кайфиятда тахририятимизга кириб келди. Карантин қоидаларига амал қилганча кўришдик. Бадий асарларни кўп ва хўб мутолаа қилган кишининг қўлида, эртами, кечми, ижод қалами пайдо бўлиши табиий, албатта. Абдусаломнинг қоғозга кўчган машқларини ўқиб, “учлик” суҳбатларимиз бекор кетмаганига амин бўлдим. Қўйма сатрлар, оҳорли фикрлар. Бугун саксон ёш сари дадил одимлаётган, ўтган йиллар ўй-қарашларини янада тиниқлаштирган агроном дўстимнинг қораламаларини муҳтарам газетхонлар билан баҳам кўришни лозим топдим.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ

ДУО

Ишқ чаманзориди тенгидим узоқ,
Бирон гул пойизга кўймадим тузоқ,
Болари кўнмаган гунча лабидан
Кўз ҳақи тиладим, бергин деб ороқ.
Уятдан қизариб гунча дудоғи,
Титради лабимни текизган чоғим.
Муччидан маст бўлиб, мен қилдим дуо,
Шу гунча кўрмасин муҳаббат доғин.
Вақт ўтиб, чархфалак кезиб оламни,
Шу гулзорга яна кўйиди қадамни.
Чаманзор саҳнида талпинди менга –
Бир дона атиргул сезиб ярамни.
Ҳеч боғи эрамда тенги йўқ бу гул,
Миннатдор боқарди, бахтиёр буткул.
Муҳаббат гирясин қиларди ҳониш,
Шу гулнинг шоҳида ўтирган булбул.

ЦЕЙТНОТ

Ҳақ гап экан, биродар бил,
Бу дунёнинг фонийлиги.
Одам яшаб ўтса юз йил –
Бир лаҳзадек онийлиги.
Аста-секин сийраклашди
Тенги-тушлар дўстлар сафи,
Кўпи кетиб ози қолди
Арра тушган ўрмон каби.
Ўтган умр энди рўё,
Ҳаловат кам, кўпи раҳна.
Мундоқ ўйлаб кўрсам гўё
Биз ўйинчи, дунё – саҳна.
Ҳакам бўлдим, топди исбот
Аллоҳнинг ҳар формуласи,
Шоҳмат ўйнаб бўлди-ку мот
Хато юрган гўр бандаси.

Кимки луқма ютди бошда
Ҳаромлигин билатуриб,
Абгор бўлди эллик ёшида
Мункиллади ҳоли қуриб.

Юришга вақт қолмади ҳеч –
Цейтнотдир қоидаси.
Кўёш ботди, кун бўлди кеч,
Фарёд қилса йўқ фойдаси.

Кимки тамал пок қурибди,
Ўтди яшаб шод, беармон.
Тўқсон ёшида шахд юрибди
Йигитлардек суриб даврон.

Дебютни бузмагин ҳеч ҳам,
Бошда қилгин тўғри юриш.
Қопқонга тушсанг, жсон укам,
Бефойодадир оҳ-воҳ уриш.

УСТОЗ ЁДИ

Устозим бор эди доно,
Терардим сўзидан маъно.
Ҳикмат илмин суҳандони,
Улусда ҳаммадан аъло.

Ўзи муслим, сўзи муслим,
Одампарвар, дили ҳилм.
Гўзал хулқу, аъмолида
Мужассамдир одоб, илм.

– Ҳўн,- деярди ёмонга ҳам,
– Тўғри,- дерди ёлгонга ҳам.
Қўл кўксиди эғиб бошин,
Дерди “Қуллуқ” нодонга ҳам.
Зиқна эмас, кенг феъл эди,
Бадфеъл эмас, хушфеъл эди.
Қудурат қилмасди ҳаргиз,
Ёмон-яхишига эл эди.

Юз саккизга кириб ўтди.
Мунсиз даврон суриб ўтди,
Кўзи сўнг бор юмилгунча
Мийиғида қулиб ўтди.

Ибрат излаганга ибрат,
Ҳикмат излаганга ҳикмат.
Умрзоқлик тилаганга
Ушбу ашъор – айни тилхат.

ИФТИХОР

Эл-юртинга раҳбар бўлса,
Ёши, кексанинг кўнгли тўлса.
Ҳам мулоийм, очик чехра.
Қараб одам баҳра олса.
Ёмонга гов, яхишига йўл,
Қадамидан гулласа чўл.
Шартта кесса порахўрлар
Таъма билан узатса қўл.
Адл, ҳаққўй, қатъиятли,
Асэзода, тарбиятли.
Элу юртга бўлса посбон,
Шижоатли, пок ниятли.
Ёғилса нур юзларидан,
Меҳр балқса кўзларидан,
Маърузаси ҳадис янглиг,
Ҳикмат олсанг сўзларидан.
Тинчлик бўлса қалб шиори,
Элу-халқнинг бўлмас зори.
Пешвоз турса ҳоҳшатларга,
Гуллаб-яшнаб юрт, дигри.
Бундай раҳбар мисли офтоб,
Бундай раҳбар асли ноёб.
Шундай раҳбар бериб Худо,
Дуо, ният бўлган ижоб.

Абдусалом АҲМАДАЛИЕВ



Хоразм вилояти

Фуқаролик жамияти институтлари қўллаб-қувватланмоқда

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Буларнинг барчаси юртимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга, давлат органлари билан самарали ҳамкорлик қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратди.

Жорий йилнинг 30 июнь кuni Хоразм вилоятининг "Дўстлик ва нодавлат нотижорат ташкилотлар уйи"да Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди вакиллари ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди.

Семинарда 2020 йилда ННТлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасида эълон

қилинган биринчи ва иккинчи танловларда голибликни қўлга киритган Хоразм вилоятидаги ННТларга грант сертификатлар топширилди.

Маълумот ўрнида вилоятида 600 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ўзларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари билан фаол иштирок этиб, давлат дастурлари ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти давлат гранти маблағлари билан қўллаб-қувватлаб келинаётгани улар фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўт-

ган даврида Парламент комиссияси томонидан танловларда фаол қатнашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг 7 лойиҳаси 282 миллион сўмлик грант маблағи билан молиялаштирилди.

Тадбир давомида 2020 йилда эълон қилинган давлат гранти 3- ва 4-танлови мавзулари ва асосий йўналишлари, танловларда иштирок этиш шартлари ва талаблари, грант лойиҳаларини тайёрлаш, ҳисоботларни тақдим этиш масалалари юзасидан маҳорат дарслари ўтказилди.

Шунингдек, семинар якунида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари, вакиллари, фаоллари билан очиқ ва бевосита мулоқотлар олиб борилиб, уларнинг муаммолари, тақлифлари ва тавсияларини атрофлича ўрганилиб тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Камол ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати.

2 ИЮЛЬ – “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



ЎЗБЕКИСТОН ГЕРБИ

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири.

*“Герб” сўзин маъноси мулк ила мерос,
“Тамга” дейилади туркона тилда.*

*Ватан, давлат, мол-мулк – аجدодларга хос
Авлодларга мерос қолур ҳар элда.*

*Асл наслимизда беклик, жаноблик,
Бошга Ҳумо қушин кўндирди қисмат.
Ҳиммат, фидойилик, олижаноблик
Ўзбекка хос бўлган фазилат, хислат.*

*Фаровонлик, тинчлик, бахту саодат
Давлатли халқимнинг эзгу нияти.
Фарзанд камоли деб қиламиз меҳнат,
Бизга ёр аждодлар абадияти.*

*Давлатим жаҳонда бўлди намоён,
Ватан ва Истиқлол висоли бу герб.
Келажаким аён, мақсадим аён –
Буюк Ўзбекистон тимсоли бу герб!*

МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГИГА ҚАРАШЛИ “САЗАГАН” ДАЛА ЎҚУВ МАЙДОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Замонавий талаб ва стандартларга қўра янгитдан барпо этилган ушбу дала ўқув майдонининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири генерал-майор Баходир Қурбанов, Самарқанд вилояти ҳокими – ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари Эркинжон Турдимов, Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Мудофаа вазирлиги фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.



Тантанали маросимда “Сазаган” дала ўқув майдонининг қурилишида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ҳамда қурувчи-пудратчи ташкилот вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокими – ҳар-

бий-маъмурий сектори раҳбари томонидан рағбатлантирилди.

Дала ўқув майдони чинакам маънода аскар академиясидир. Чунки дала ўқув майдонида ҳарбий хизматчи назарий билимларини амалда қўллайдди. Шу боис Ватан ҳимоячиларининг ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам жанговар тайёргарлигини оширишда дала ўқув майдони муҳим ўрин тутди.

Тантанали маросимдан сўнг Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири бошчилигида тадбир иштирокчилари янгитдан барпо этилган дала ўқув майдонида яратилган шар-шароитлар,

замонавий ўқув синфлари, тиббиёт пункти, ётоқхоналар, ошхона, спорт шаҳарчаси ҳамда жанговар техникалар паркни кўздан кечиришди. Яратилган шароитлар билан танишиш жараёнида меҳмонлар дала ўқув майдони ошхонасини ўзининг бежиримлиги билан бугунги кунда шаҳар марказларида урф бўлган миллий таомларнинг замонавий ошхонасидан кам эмаслигини алоҳида таъкидлашди.

Меҳмонлар дала ўқув майдонини кузатиш давомида Марказий ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари томонидан яратилган қўшинлар жанговар шайлигини оширишга хизмат қиладиган инновацион ишланмалар билан танишишди.

Самарали кўрсаткичга эга ишланмалар эса Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Шунингдек, “Сазаган” дала ўқув майдонида замон талабларига тўла-тўқис



жавоб бера оладиган 30 га яқин ўқув нуқталарда барча турдаги жанговар техника ва қуроллардан фойдаланган ҳолда кўргазмалли жанговар ўқув-машғулоти ўтказилиб, тадбир иштирокчиларига намойиш этилди.

Унда юрт ҳимоячиларининг эгаллаган мукамал касбий маҳоратини кўрган ёшларда миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга бўлган иштиёқ янада ошди.

Марказий ҳарбий округига қарашли яна бир замонавий дала ўқув майдонининг ташкил этилганлиги эндиликда Ватан посбонларининг ўзгача усул ва услубларда машғулоти ўтказишлари учун кенг имкониятлар беради.

**Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати.**



СПОРТ – МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Сиҳат-саломатлик, тани соғлик азал-азалдан бебаҳо бойлик саналиб келинган. Бу қадим тушунчанинг нечоғли ҳаётий эканини ҳозирги карантин кунларида яна бир бор дилдан тушуниб, англаб етмоқдамиз. Отабоболаримиз айтганидек, энг аввало, соғлик бўлса, қолган ҳаммаси топилади.

Барчага маълумки, кишининг соғлом ва тетик бўлиб юришида спортнинг ўрни жуда катта. Айтиш лозим, мамлакатимизда шундан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда жисмоний тарбия ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг алоҳида ташкил қилиниб, фаолиятининг самарали йўлга қўйилгани ҳам фикримизга бир мисолдир.

Қолаверса, юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта ташаббусда ҳам айна шу масалага яна бир бор устувор вазифа сифатида эътибор берилди. Зеро, ушбу беш ташаббуснинг иккинчи йўналиши ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Фикримизни бевосита ўзимиз фаолият юритаётган Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлимига карашли 7-умумий ўрта таълим мактаби мисолида давом эттирадиган бўлсак, беш ташаббус доирасида тўртта спорт тўғараги фаолиятини йўлга қўйдик. Тўғарақларни ташкил қилишда энг аввало, ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олганимиз кутилган натижани берди. Чунки, ушбу тўғарақларга қатнашиш истагида бўлган ўқувчиларнинг сафи кенгайиб, эришаётган натижалари ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, карантин бошлангунга қадар ўқувчиларимиз Шаҳрисабз тумани бўйича

ёшлик жисмоний тарбия ва спорт жамоалари мусобақасида қўл тўпи ва баскетбол бўйича фахрли биринчи ўринни эгалашди, волейбол баҳсларида эса учинчи ўринни қўлга киритиб, кейинги босқич йўлланмасига эга бўлишди.

Албатта, ўқувчиларимизнинг эришаётган бу каби натижалари бизни жуда қувонтиради. Энг муҳими, ўқувчиларимизнинг спортга дўст тутилиши, энг аввало, ўзларида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ҳаракат қилаётгани катта ютуқдир.

Кези келганда айтиш лозим, давлатимиз томонидан биз, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг меҳнат фаолиятимизни муносиб рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини муносиб рағбатлантиришни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори билан юқори меҳнат самарадорлигига эришаётган жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини муносиб рағбатлантиришни ташкил этиш мақсадида бир қатор қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган қўшимчага кўра, таълим муассасаларининг қуйидаги жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига малака тоифаси тўғридан-тўғри, аттестациядан ўтказилмасдан берилиши белгиланди. Эндиликда туман (шаҳар) миқёсидаги спорт мусобақаларининг 1-ўрин совриндорларини тайёрлаганларга

иккинчи малака тоифаси, яъни катта ўқитувчи, вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларининг 1-ўрин совриндорларини тайёрлаганларга – биринчи малака тоифаси, яъни етакчи ўқитувчи, халқаро ҳамда республика миқёсидаги спорт мусобақаларининг 1, 2 ва 3-ўрин совриндорларини тайёрлаганларга эса олий малака тоифаси, яъни бош ўқитувчи лавозимлари бериладиган бўлди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун малака синовлари (*тест синовлари ўрнига*) назарий ва амалий синовларини ўтказиш белгиланганлиги сабабли тегишли вазирлик ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ҳам киритилди. Ушбу ўзгаришлар юқори меҳнат самарадорлигига эришган ҳамкасбларимизни рағбатлантиришга катта ҳисса қўшиб, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши билан жуда аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш – буюк умуммиллий мақсад ва умумхалқ ҳаракатига айланди. Ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш олдимизда турган асосий вазифа саналади. Мамлакатимиздаги пандемия шароити тугаб, барча ишлар ўз маромида давом этгач, биз ҳам ўз фаолиятимизга янада масъулият билан ёндашиб, бу вазифани аъло даражада уддалаймиз.


**Асқар ОЧИЛОВ,
Рустам ОЧИЛОВ,**

Шаҳрисабз туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари.

Тахририятимизга кириб келган отахон Тўлқин Қодиров 83 ёшда экан. 40 йилдан ортиқроқ олий таълим муассасаларида фаолият юритган. Тарих фанлари номзоди илмий унвонига эга. Бугунги кексалик даврида ўзи яшайдиган Тошкент шаҳар Самарқанд дарвоза кўчасидаги ҳовлисида имкон қадар деҳқончилик ишларини амалга оширар экан. Бизнинг тахририятга келишидан мақсад ўз томорқасида амалга оширган янгиликларни ўртоқлашиш экан:

Ҳовлимизда кўп йиллардан буён полиз маҳсулотларини экиб турли тажрибалар ўтказиб келаман. Полиз маҳсулотлари кўчатини ўзим тайёрлайман. Сифатли кўчат ҳосил баракасининг асосий омилли. Ушбу йилда кўчат тайёрлаш пайтида Россиянинг "БИОИН-НОВО" биологаторияси томонидан ишлаб чиқарилган Никфан номли биоўғитнинг самарасини синаб кўрдим. Аслида Никфаннинг 20-30 мг.ни 10 литр сувга кўшса ҳосилни бироз оширади. Бу йил кўчат тайёрлаш учун помидор, бодринг, гармдори уруғларини

икки кун сувда ивитиб қўйдим. Сувга Никфан биоўғитидан озроқ қўшдим. Уруғни яшиқдаги тупроққа селиб, униб чиқиб 4-5 см. ўсгач, 5 кундан сўнг экин майдонига кўчириб ўтқаздим. Ҳозирги кунда помидорининг бўйи 1,5 метрга етди. Шоҳлари кўп, танаси бақувват, ҳосили ҳар йилгидан икки баравар кўп бўлиши кўриниб турибди. Мақсадим шуки, одамларимиз ўз турмуш шароитларини яхшилаш учун мана шундай самарали воситалардан фойдаланиб ҳаракат қилса мақсадга мувофиқ бўларди.



ҚУРИГАН ЎТ ТИНКАМИЗНИ ҚУРИТМАСИН!

Қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус жойларга олиб бориш лозимлигига кўнам эътибор бермаймиз.

Бунинг оқибатида эса, арзимас бўлиб кўринган бу ҳолат катта офатларни келтириб чиқаради. Ўчирилмаган сигарета қолдиғи ёки болаларнинг гугурт билан ўйнаши бошга балоларни олиб келади, баъзан. Бундай ҳолатларга афсуски, кўп дуч келамиз. Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун ҳар биримиздан ҳар қадамда ҳушёр бўлишлик талаб этилади, албатта. Шундай экан, қовжираган ўт, шох-шаббаларни оловдан узоқ ва хавфсиз жойга қўяйлик ва ўзимизни ёнғин балосидан асрайлик!

Ҳасан СОБИРОВ,
Миробод тумани ФВБ инспектори,
катта сержант.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.

Сиз газетамизга қайси обуна уюштирувчи ташкилот орқали обуна ташкил этиш маъқул ва қулай бўлади, деб ўйлайсиз? Сиз бугун қайси обуна уюштирувчи орқали газета оляпсиз ва у сизга манзурми?

Шу ҳақда бизга маълумот берин! Бу обуна уюштириш, уни етказишни тўғри ташкил этишда бизга кўмак бўлади.

Тел.: (71) 236-26-50, (71) 233-40-87.

Телеграмм: (90) 920-43-70. Факс: (17) 233-09-93.

Web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.



JOHN DEERE

MONOSEM



“Monosem” kompaniyasi paxta, moш, makkaжuxori va соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+ (998) 90 325 49 99

+ (998) 93 181 11 66

+ (998) 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Мухаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.Ҳабиб ТЕМИРОВ
(бош муҳаррир
уринбосари)Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир
уринбосари)Саҳифаловчи-дизайнер
М.ЮСУПОВТелефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамовчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uzЎзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Т-725, ҳажми 4 босма
табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Мавзелими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
2 842 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
босилди. Манзил: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7023

Қўлдан келтирилган вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.45